

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАҲКАМОВ НАЖМИДДИН КОЗИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК ВА УЙҚУ ТОМИР КАСАЛЛИГИ МАВЖУД
БЕМОРЛАРДА РЕНТГЕНЭНДОВАСКУЛЯР ДАВОЛАШ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Маҳкамов Нажмиддин Козимович

Юрак ишемик ва уйқу томир касаллиги мавжуд беморларда
рентгенэндоваскуляр даволаш диагностикаси ва тактикасини оптималлаштириш 3

Маҳкамов Нажмиддин Козимович

Оптимизация диагностики и тактики рентгенэндоваскулярного лечения
ишемической болезни сердца с поражением каротидных артерий 21

Makhkamov Najmiddin Kozimovich

Optimization of diagnostics and tactics of endovascular treatment of coronary heart
disease with lesions of the carotid arteries 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАҲКАМОВ НАЖМИДДИН КОЗИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК ВА УЙҚУ ТОМИР КАСАЛЛИГИ МАВЖУД
БЕМОРЛАРДА РЕНТГЕНЭНДОВАСКУЛЯР ДАВОЛАШ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib588 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация авторефератиикки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зуфаров Миржамол Мирумарович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Алиев Шерзод Махмудович тиббиёт фанлари доктори Юлдашев Набижон Примович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Кардиология ва ички касалликлар илмий тадқиқот институти (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (96 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «сайёрамиз аҳолиси бевақт ўлимининг асосий сабабчиси юрак-қон томир тизими касалликлари ҳисобланиб, у бир йилдаги барча ўлим ҳолатларининг 31% ини ташкил этади, 2018 йилда эса ушбу патологиядан дунё бўйича 17,7 миллион киши вафот этди, улардан 7,4 миллиони юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва 6,7 миллиони инсульт туфайли вафот этдилар»¹. Мультифокал атеросклероз (МФА) тизимли касаллик ҳисобланиб, қон томирлар тизимининг ҳар қандай қисмини шикастлаши мумкин. ЮИК да турли артериал тизимнинг биргаликда зарарланишлари частотаси 70-80% га етиши мумкин, бунда коронар ва уйқу артерияларининг биргаликда зарарланиши энг кўп ҳолларда учрайди. Сўнгги йилларда диагностиканинг замонавий усуллари кенг жорий этилиши туфайли ЮИК нинг экстракраниал қон томирлар шикастланиши билан кўшилиб келиши билан беморларни даволаш усули ва тактикасини такомиллаштириш мумкин бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан, текширув сифатини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлган рентгенэндоваскуляр аралашув (РЭА) усулини танлашни оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш имконини берадиган оптик когерент томография (ОКТ) ҳисобланади»². Аммо, ҳозирги даврда юрак тож ва уйқу артерияларнинг бирга қўшилган шикастланишлари билан хасталанган беморларда ушбу усулнинг самарадорлигини ўрганиш диагностик жиҳатдан ҳам, даволашнинг оптимал тактикасини белгилаш жиҳатидан ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида мультифокал атеросклеротик шикастланиш механизмлари верификациясининг турли артериал қон томирлардаги ривожланиш патогенези ва муайян қон томир шикастлангандаги хавф омиллари ва уларнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қон томирлар деворлари шикастланиши хусусиятларини морфологик жиҳатдан баҳолаш, ушбу жараёнга турли биологик субстратларнинг таъсири, шу жумладан, адгезия молекулалари ва хемоаттрактант экспрессияни кўзғатувчи цитокинлар, моноцитларнинг қон томирлар деворини эгаллаши ва кўчишини кучайтириши, уларнинг макрофагларга айланиши ва ИЛ-1, ФНО, ТцФР ишлаб чиқарилиши, шунингдек бошқа ҳужайра элементлари иштирокида (Т- ва В-лимфоцитлар, фибробластлар) ўсиш омилларининг таъсири, кейинчалик капиллярлар марказий қисмларида некроз, склероз, гиалиноз, кальциноз (тўқималарда кальций тузларининг тўпланиши) шаклланиши масалалари долзарблигича қолмоқда.

Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш

¹World Health Organization. Technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2016 Edition. https://www.who.int/cardiovascular_diseases/publications/en.

²Alegría-BarreroE., FoinN., ChanP. H. etal. Optical coherence tomography for guidance of distal cell recrossing in bifurcation stenting: choosing the right cell matters // EuroIntervention. – 2012.- №8.– P. 205–13.

бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коронар ва уйқу артерияларининг биргаликда шикастланиши билан беморларга сифатли, юқори технологияли ёрдам кўрсатишда муайян ижобий натижаларга эришилган. Соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли чора-тадбирлар ўтказилишига қарамай, бугунги кунда юрак-қон томир ва бош мия қон томирларининг мультифокал атеросклеротик шикастланиши хусусиятларини тадқиқ қилишни давом эттириш талаб қилинмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, коронар ва уйқу қон томир мультифокал атеросклеротик шикастланишининг клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш, шунингдек диагностика ва даволаш тактикасини танлашга ёндашувларни такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда рентгенэндоваскуляр аралашувлар нафақат турли қон томирлар ўтказувчанлигини тиклашга имкон берувчи, балки очиқ кардиохирургик амалиётлар билан рақобатлаша олувчи, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиловчи даволашнинг инновацион усулларидадан бўлиб ҳисобланади. Литвиненко А.А. ва Ногаев М.Г.⁴ фикрига кўра, бир нечта қон томирлар шикастланганда асосий эътибор шикастланиш намоён бўлган жараёндаги шикастланиш устун бўлган фақат бир қон томир оқимида қаратилиши керак.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴Ногаева М. Г., Тулеутаева С. А. Распространенность болезней системы кровообращения в Республике Казахстан // Медицина. – 2014. – №10. – С. 13-16.

«Россия юрак-қон томир хирурглари уюшмаси»⁵ клиник тавсияларига кўра, босқичли даволаш масаласи нафақат окклюзия даражасини аниқлаш, балки ҳар бир артериал ҳавзада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган коллатерал қон таъминланиши имкониятларини баҳолаш билан ҳам ҳал этилади. Шундай қилиб, Каспаров Э.В.⁶ гемодинамик жиҳатдан муҳимлигини баҳолаш йўли билан хирургик ёки эндоваскуляр ревазуляризация кўрсаткичларини аниқлайди ва ушбу кўрсаткич периоператив асоратлар хавфи ривожланишига таъсир кўрсатувчи даволаш тактикасини белгилашда етакчи кўрсаткич, деб ҳисоблайди. Ушбу мақсадда нурланишнинг инвазив бўлмаган усуллари, хусусан ангиография билан мультиспирал компьютер томографиясининг (МСКТ) жорий этилиши турли қон томирлар оқимида атеросклерознинг топик ва нозологик диагностикаси оғирлигини, ҳатто типик клиник кўринишлар намоён бўлмаган ҳолатларда ҳам сезиларли даражада яхшилаш имконини беради (Веселова Т. Н⁷).

Катта кўламли тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган асимптом ҳамда симптомли тарзда кечувчи уйқу артериялари стенози мавжуд бўлганда, коронар артериялар ревазуляризациясидан олдин биринчи навбатда мия қон оқимини коррекция қилиш тавсия этилади, шу билан амалиёт вақтида ва кейинги даврларда нерв тўқималарида ишемик касалликлар юзага келиш эҳтимолини минимал даражагача қисқартиради. Аммо, бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, «юрак ишемик касаллиги билан беморларда уйқу артерияларининг асимптом шикастланишида профилактик жиҳатдан аралашувлар мақсадга мувофиқ бўлмайди»⁸. Атеросклеротик шикастланишларнинг қўшма оғир шакллари билан беморларда миокард инфаркти ривожланиши ва мия қон айланиш тизимининг ўткир бузилиш хавфи касалликнинг ўртача ифодаланган шакли билан беморларга қараганда анча юқори. Head S.J⁹ маълумотлари бўйича, «тери орқали коронар аралашув (ТОКА) аорто-коронар шунтлаш (АКШ) билан таққослаганда бир мунча агрессив муолажа ҳисобланади, бу эса унинг беморлар орасида кенг тарқалишини юзага келтиради, аммо шу билан бирга дори билан қопланган стентдан фойдаланилганига қарамасдан, ҳаммасидан аввал миокардни такроран ревазуляризация қилиш ҳисобига АКШ билан таққослаганда ТОКАнинг камчилиги муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик салбий кардиоваскуляр ҳодисаларнинг (Major Adverse Cardiac Events – MACE) учраши ҳисобланади.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ЮИК нинг

⁵Ишемическая болезнь сердца (ИБС) и атеросклеротическое поражение сонных артерий (МКБ 10: I25) // клинические рекомендации Ассоциации сердечно-сосудистых хирургов России. – 2016. – С. 28.

⁶Каспаров Э. В., Н. Г. Гоголашвили Е. И. Прахин и др. Ожирение, избыток массы тела и сердечно-сосудистые заболевания (современные подходы к предупреждению urgentных последствий) // Доктор. ру. – М.: Изд-во. 2012 – 42 с.

⁷ Веселова Т. Н. Диагностическая значимость мультиспиральной компьютерной томографии в обследовании больных с острым коронарным синдромом: дис. ... д-ра мед. наук. – М., 2014. – 243 с.

⁸Valaikiene J, Ryliskyte L, Valaika A, Purnaite R, Dementaviciene J, Vaitkevicius A, Badariene J, Butkuvienė I, Kalinauskas G, Laucevicius A. A High Prevalence of Intracranial Stenosis in Patients with Coronary Artery Disease and the Diagnostic Value of Transcranial Duplex Sonography. // J Stroke Cerebrovasc Dis. 2019 Apr;28(4):1015-1021.

⁹Head S. J., Davierwala P. M., Serruys P. W. et al. Coronary artery bypass grafting vs. percutaneous coronary intervention for patients with three-vessel disease: in-alive-year followup of the SYNTAX trial. Eur. Heart. J. 2014. DOI: 10.1093/eurheartj/ehu213.

уйқу артерияларининг биргаликда шикастланиши билан беморларни даволашда рентгенэндоваскуляр хирургия соҳасида эришилган маълум даражадаги ютуқларга қарамасдан, ҳозирги кунга қадар рентгенэндоваскуляр ва очик хирургик усуллари, шунингдек уларнинг медикаментли даволаш билан ўзаро қўшиб олиб бориш усулини қўллаган ҳолда ушбу тоифадаги беморларни даволаш тактикаси ва босқичлари тўлиқ аниқланмаган, бу эса оптимал даволаш-диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш учун ушбу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС-15.3.2-сон «Уйқу артерия, коронар артерия ва оёқлар артерияларининг бирга қўшилган шикастланишларида замонавий жарроҳлик ва эндоваскуляр даволаш усуллари интеграцияси» илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ, ПЗ-2014-0912233216«Мультифокал атеросклерозда юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда эндоваскуляр аралашувлар» мавзусидаги амалий илмий лойиҳаси мавзуси доирасида бажарилган (2015-2017 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади замонавий диагностика усуллари қўллаш ва рентгенэндоваскуляр аралашув тактикасини оптималлаштириш йўли билан уйқу артериялари шикастланиши кузатилган юрак ишемик касаллигини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

рентгенэндоваскуляр усуллари қўллаган ҳолда уйқу артерияларининг ЮИК билан бирга шикастланиши диагностикаси ва рентгенэндоваскуляр даволаш тактикасини такомиллаштириш;

уйқу артерияларининг ЮИК билан бирга шикастланишида тери орқали коронар аралашув натижаларини прогнозлаштириш ва баҳолашда ОКТ нинг ўрнини аниқлаш;

уйқу артерияларининг ЮИК билан бирга шикастланишини рентгенэндоваскуляр даволашнинг яқин ва узоқ натижаларини ўрганиш;

уйқу артерияларининг ЮИК билан бирга шикастланиши диагностикаси ва даволаш тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасининг рентгенэндоваскуляр хирургия ва юрак ритми бузилиши бўлимида уйқу артериялари (каротид артериялар - КА) ЮИК билан бирга шикастланиши билан даволанган 75 нафар бемор хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети экстракраниал артериялар шикастланиши билан ЮИК билан хасталанган беморларни диагностика қилиш ва рентгенэндоваскуляр даволаш самарадорлигини таҳлилдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишни амалга ошириш жараёнида тадқиқотнинг ЭКГ, эхокардиография (ЭхоКГ), юклама синовлари, ультратовушли доплерография (УТДГ), кўкрак қафаси

рентгеноскопияси/графияси, ангиография, МСКТ-ангиография, ОКТ, текширувнинг статистик усуллари каби умумий клиник, текширувнинг махсус усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миа қон айланиши бузилишининг клиник кўриниши ёки асимптом кечиши мавжуд бўлган беморларда коронар ва каротид ҳавзанинг биргаликда атеросклеротик шикастланишининг кечиш оғирлигини баҳолашнинг гемодинамик мезонлари аниқланган;

эндоваскуляр оптик-когерент томография маълумотлари бўйича анатомик-функционал жиҳатдан бузилишлар даражасини объектив баҳолаш учун коронар артериялар деворларининг морфологик хусусиятлари ва атеросклеротик таърифи аниқланган;

мураккаб шикастланишларда (бифуркацион, чап тож қон томир ўзаги, сурункали тож қон томир окклюзияси) коронар артериялардаги эндоваскуляр аралашувларни баҳолаш учун амалиёт вақтидаги мезонларни оптималлаштиришда оптик когерент томография имкониятлари аниқланган;

рентгенэндоваскуляр ёки хирургик йўл билан даволаш тактикасини аниқлаш учун коронар ва каротид артерия ҳавзаларининг биргаликда атеросклероз билан шикастланиши кечиш оғирлигини баҳолашнинг махсус тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коронар ва уйқу артериялар шикастланиши кузатилган мультифокал атеросклерозда шикастланиш устун бўлган артериал ҳавзасини аниқлаш учун гемодинамик бузилишни баҳолаш мезонлари оптималлаштирилган;

оптик-когерент томографияни ўтказиш коронар артериялар деворлари атеросклерози морфологик хусусиятларини идентификациялаш, шунингдек шикастланиш характери ва функционал бузилишлар оғирлигини баҳолаш имконини бериши аниқланган;

коронар ва уйқу артерияларининг биргаликда шикастланишларида хирургик хавф юқори бўлган ҳолларда (SYNTAXscore>33), рентгенэндоваскуляр (уйқу артериясини стентлаш) ва хирургик (коронар шунтлаш) аралашувларни босқичма-босқич қўллаш самарали эканлиги исботланган;

коронар ва уйқу артерияларининг бирга қўшилган шикастланишлари бўлган беморларни даволаш тактикасини аниқлаш, яқин ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаш, шунингдек рентгенэндоваскуляр аралашувларнинг эҳтимол оқибатини прогностлаштириш имконини берувчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалиётда кенг фойдаланиладиган клиник, рентгенологик ва статистик усулларни қўллаш йўли билан тасдиқланган. Барча олинган натижа ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик жиҳатдан ишлаб чиқиш олинган натижалар ишончилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва

таклифлар ўзининг назарий аҳамиятга эга бўлиб, коронар ва каротид артерияларнинг морфологик хусусиятлари ва патологик жараён характери аниқлаштириш билан мультифокал атеросклеротик шикастланишлар хусусиятлари, шунингдек анатомик-функционал бузилишлар даражасини объектив баҳолашни ўрганишга катта ҳисса қўшади.

Ишнинг амалий жиҳатдан аҳамияти шундан иборатки, ишда мавжуд бўлган хулоса ва тавсиялардан коронар ва каротид артериялар мультифокал атеросклеротик шикастланишлари билан беморларни кардиохирургик ихтисослашган тиббий муассасаларда ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкин, ишлаб чиқилган алгоритм эса ушбу тоифадаги оғир беморлар орасида эндоваскуляр аралашувлар натижаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уйқу артерияларининг биргаликда шикастланишларида юрак ишемия касаллиги диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Коронар ва уйқу артериялар мультифокал атеросклеротик шикастланиши билан касалланган беморларни даволаш тактикаси алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/223-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар уйқу артерияларнинг биргаликда шикастланишлари билан юрак ишемия касаллигида рентгенэндоваскуляр ва хирургик аралашувларидан кейин турли асоратлар ривожланиш эҳтимоли мавжудлигини аниқлаш имконини берган;

«Коронар ва уйқу артериялар мультифокал атеросклеротик шикастланиши билан касалланган беморларни даволаш тактикасини танлаш учун дастур» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/223-сон маълумотномаси). Таклиф этилган ЭХМ учун дастур уйқу артерияларининг бирга қўшилган шикастланишлари билан беморларни рентгенэндоваскуляр ва хирургик даволашда хавф ва кўрсаткичлар даражасини юқори аниқлик билан ҳисоблаш учун оптимал тактикани танлаш имконини берган;

уйқу артерияларининг шикастланиши билан биргаликда юрак ишемик касаллиги билан беморлар диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган ва Хоразм филиаллари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/223-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Уйқу артерияларининг шикастланишлари билан биргаликда юрак ишемик касаллиги билан беморларда ишлаб чиқилган рентгенэндоваскуляр аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларини амалга ошириш амалиётдан кейинги асоратлар частотаси, масалан, стенокардиянинг қайтадан такрорланишини 12,5% дан 4,7% гача қисқартириш, коронар артериялар

рестенози ва стент тромбози хавфини камайтириш, шунингдек, узоқ муддатли яхши натижалар улушини 87,5% дан 95,3% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 1 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 8 та мақола, улардан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгирлиги асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, ишнинг илмий янгилик эканлиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ёритиб берилган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Уйқу артерияларининг икки томонланма атеросклеротик шикастланиши эпидемиологияси, этиопатогенези, ҳозирги ҳолатини диагностика қилиш ва жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси масалалари»** деб номланган биринчи бобида рентгенэндоваскуляр ва жарроҳлик аралашувларини талаб қилувчи коронар ва уйқу қон томир артерияларнинг бирга қўшилган шикастланишлари эпидемиологияси, этиопатогенези, диагностикаси ва даволаш тактикаси масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Турли муаллифларнинг мультифокал атеросклерознинг коронар ва уйқу қон томир хавзалари билан бирга қўшилиб келиши ҳақидаги маълумотлари келтирилган. Бу бобда коронар ва уйқу қон томир хавзаларининг бирга қўшилиб келган шикастланиши билан касалланган беморларнинг морфологик структураси, гемодинамикаси, бош мия церебрал перфузион резерви ва атеросклеротик пиллакчани (АСП) аниқлашнинг УТДГ, МСКТ-А ва ОКТ каби замонавий визуал усуллари кўрсатилган.

«ЮИКнинг каротид - уйқу томир артериялар шикастланиши билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллариининг қўлланилиши» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар таърифи ва қўлланган тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқотга ЮИК билан бирга каротид - уйқу томир артерияларнинг бирга қўшилган атеросклеротик

шикастланишлари билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт марказининг рентгенэндоваскуляр жарроҳлик ва юрак ритми бузилиши бўлимида 2012-2017 йиллар давомида операция қилинган 75 нафар бемор киритилган. Тадқиқотга ўткир коронар синдром (ЎКС), мия қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚАЎБ) билан оғриган беморлар киритилмаган. Беморларнинг ёши 56 дан 81 ёшгачани ташкил қилган (ўртача $62 \pm 2,3$ ёш). Беморлар орасида эркаклар устунлик қилади, бу эса 68 нафар (90,7%) эркакни, аёллар эса 7 нафарни (9,3%) ташкил қилади.

Уйқу артерияларнинг торайиш даражасига қарамасдан касаллик 52 нафар (69,3%) беморда симптоматик ва 23 нафар (30,7%) беморда эсаасимптоматиккечади (1-жадвал).

1-жадвал

Уйқу артерияларнинг шикастланиш даражаси

УА шикастланиш даражаси			Симптомли n=52	
			Асимптомли n=23	
			абс	%
Жиддий КА стенози	>50-70%	Симптомли	11	21,1
		Асимптомли	-	-
	>70-99%	Симптомли	41	78,4
		Асимптомли	23	30,7

УАнинг жиддий стенози мавжуд бўлган беморлар гуруҳида хавф омиллари ва ҳамроҳ патологияларнинг хусусияти аниқланди: семириш 27 нафар (36,0%), (ўртача ТМИ-тана массаси индекси – 31,2%), гипертония касаллиги – 56 нафар (74,6%) беморда; чекиш – 18 нафар беморда (24,0%) ҳолатларда, бунда кундалик чекиш ҳолати 14 нафар беморда (18,6%); қандли диабетнинг 2 тури 17 нафар (22,6%), шунингдек ирсият орқали наслдан наслга ўтиш (оилавий анамнез) ҳолати 34 нафар (45,3%) беморда кузатилган). (2-жадвал).

2-жадвал

УА жиддий шикастланиши мавжуд бўлган ЮИК билан хасталанган беморларда хавф омиллари

Хавф омиллари		Пайдо бўлиш частотаси, n=75	
		абс.	%
Чекиш	Ҳозирги	18	24,0
	Аввалги	14	18,7
Гипертоник анамнез		56	74,6
Дислипидемия		27	36,0
Қандли диабетнинг 2 тури		17	22,6
Оилавий анамнез	Ота-оналар	23	30,7
	Бошқалар	12	16,0

Шунингдек, беморлар бошдан ўтказган касалликлари бўйича ҳам

таксимланган: 26 нафар бемор (34,6%) анамнезида ПИКС аниқланган, улардан ЭКГ маълумотлари бўйича чап қоринча (ЧҚ) олд тўсиғида 7 нафар (26,9%), орқада – 14 нафар (53,8%), ён томонда – 3 нафар (4,0%) ва тепа қисмида – 2 нафар (7,6%) беморда чандиқли ўзгаришлар кузатилган; 8 нафар (10,6%) беморнинг анамнезида аввал МҚАЎБ, 4 нафарда (5,3%) – транзитор ишемик хуруж (ТИХ), ва 33 нафарда (44,0%) – бош мия қон айланишининг сурункали бузилиши (БМҚАСБ) кузатилган. НУНА бўйича таснифлашда 52 нафар (69,3%) беморда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ), ФК II – 48 нафар (92,3%), ФК III 4 нафар (7,6%) беморда аниқланган.

Шундай қилиб, УА жиддий стенозининг ЮИК билан оғриган беморлар (n=75) асосий гуруҳни ташкил қилади. Бунда БМҚАСБнинг симптомли (n=52), ҳамда асимптомли (n=23) кечиши намоён бўлади.

Ўтказилган аралашувларга боғлиқ ҳолда беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

I гуруҳ (35 нафар бемор) – беморлар билан коронар ангиопластика (ЧКВ) ва уйқу артериясини стентлаш (УАС) ўтказилган.

Бунда 2 нафар беморда ТОКА ва УАС -коронар ангиопластика ва уйқу артериясини стентлашнинг бир босқичли аралашуви ўтказилди. Қолган 33 нафар беморнинг биринчи босқичида ТОКА ва 2 кундан сўнг УАС ўтказилган.

II гуруҳ (24 нафар) – бемор билан УАС ва кейин коронар шунтлаш (КШ) операцияси ўтказилди.

III гуруҳ (16 нафар) – бемор билан УАС ва ЮИК медикаментоз – дори-дармонлар билан даволаш тактикаси ўтказилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биринчи гуруҳдаги беморлар ҳам рентгенэндоваскуляр аралашувга боғлиқ ҳолда 2 кичик гуруҳларга бўлинган:

Ia – бу беморлар билан ОКТдан (оптик-когерент томография) фойдаланган ТОКА -коронар ангиопластика ўтказилган;

Iб – бу беморлар билан анъанавий усулда, яъни фақат коронарография асосида ТОКА - коронар ангиопластика бажарилган.

Барча гуруҳдаги беморлар ёши, жинси, ҳамроҳ патология ва коронар артериялар шикастланиши хусусиятлари бўйича статистик жиҳатдан таққосланган. Беморларга диагностиканинг қуйидаги усуллари қўлланилган: УТДГ, ЭКГ, ЭхоКГ, МСКТ-А, ОКТ.


Диссертациянинг «**Уйқу томир артерияларида жиддий стеноз мавжуд ЮИК билан касалланган беморларни текшириш ва даволаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ЮИК да каротид – уйқу томир артериялари шикастланиши билан хасталанган беморларни текшириш натижалари, ўтказилган даволаш усуллари, шунингдек уларни касалхонада даволаш натижалари таҳлил қилинган.

Барча 75 нафар бемор даволаш тактикасига боғлиқ ҳолда 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳга (n=35) ТОКА ва УАС ўтказилган барча беморлар киритилган, II гуруҳга (n=24) – уйқу артериясини стентлаш ССА ва коронар шунтлаш (КШ), III гуруҳга (n=16) – УАС ва оптимал дори-дармонлар билан даволаш терапияси киритилган. I гуруҳда (n=35) ЮИК симптомлари


устунлик қилган (24 нафар бемор – 72,7%), шу сабаблики, чунки булар билан биринчи босқичда ТОКАўтказилган, УАС эса фақатгина БМҚАСБ симптомлари ЮИК кўринишларидан устун бўлган ҳоллардагина амалга оширилган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу гуруҳда икки оқимда бир вақтнинг ўзида (2 нафар беморда – 2,6%) РЭВ содир бўлган. II гуруҳдаги (n=24) беморларда УА – уйқу артерияси стенозини йфодалаган БМҚАСБ симптомлари устунлик қилган. Интраоперацион МҚАЎБ хавфининг юқори даражадалиги ва КА нинг кўп қон томирли шикастланиши мавжудлигини ҳисобга олиб, биринчи босқичда уйқу артериясини стентлаш -УАС ва иккинчи босқичда – коронар шунтлаш (КШ) операцияси амалга оширилган. III гуруҳдаги (n=16) беморларда касалликнинг клиник кечиш жараёнида БМҚАСБ симптомлари устунлик қилган ва ЮИК касалликнинг ривожланиш босқичида намоён бўлган, бунда барча беморларда ХНМК симптоми кечиши кузатилган. Ушбу гуруҳ, контраст МСКТ – коронографияда аниқланган, уйқу артериялари хавзасининг жиддий шикастланиши ва коронар томирларда аҳамиятга эга бўлмаган торайишлар мавжудлиги билан ажралиб туради, бу эса уларни даволаш тактикасини белгилаб беради –УА интервенцияни ва ЮИКни оптимал дори-дармонлар.

Коронар ва уйқу томир артерияларида РЭВ аралашувининг ўзига хос хусусияти уларни маҳаллий анестезия таъсири остида вена ичига юбориш ҳисобланади. Бунда УАС – уйқу артериясини стентлаш сон орқали ва ТОКА – радикал кириш орқали амалга оширилади. Уйқу томир артерияси ва коронар артерияларда бир вақтда амалга ошириладиган операцияларда асосан сон орқали киришдан фойдаланилади. Барча беморлар билан УАС – уйқу артериясини стентлаш амалга оширилганда, турли конструкциядаги дистал ҳимоя қурилмаларидан (нейропротектор тизим) фойдаланилган.

Коронарографияда томир ичига қўшимча равишда уч ўлчовли реконструкцияга эга стентни жойлаштириш билан минимал ўзгаришларни аниқлаш орқали коронар артерияларнинг морфологик тузилишини баҳолаш учун биз томонимиздан томир ичи визуализацияси, оптик когерент томографиядан (ОКТ) фойдаланилди. Биринчи кичик гуруҳга (n=21) коронар артериясини стентлаш ОКТ дан фойдаланган ҳолда амалга оширилган беморлар киритилган, бунда беморларнинг аксарияти коронар артериянинг мураккаб шикастланишларини бошдан кечирганлар. ОКТ нинг ўтказилиши қон-томир йўли торайишини 90% га торайтирган дори қопламали стент имплантация қилинганидан кейин дарҳол урта учтдан бир қисмининг олдинги қоринчалараро тармоқ (ОҚАТ) да диссекциани (қатламларга ажратишни) аниқлаш имконини беради, шунингдек диссекцияга олиб келган «oversizing» стенти аниқланган (1-2-расмлар). Ушбу ҳолатда ОКТ стентнинг дистал учи диссекцияси ва унинг коронарографияда аниқланмаган қўламини аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолатларда ОКТ дан фойдаланиш, назорат коронарографияда аниқланмаган томир диссекциясини ўз вақтида аниқлаш имконини беради ва эҳтимол операциядан кейинги яқин муддатларда окклюзияга олиб келиши мумкин.



1-расм. Стрелка билан ОҚАТ дистал учдан бир қисми спазмнинг ангиографик сурати кўрсатилган



2-расм. ОКТ сурати: Стрелка билан ОҚАТ дистал қисмининг диссекция ўрни кўрсатилган

Яқин касалхонадаги даврга оид натижаларни таҳлил қилиш ТОКА I гуруҳ беморларида 100%, II гуруҳдаги беморларда 92,8% ижобий натижа кўрсатган; интраоперацион коронар асоратлар хавфи асосан бифуркацион шикастланишларни стентлашда кузатилган. Бироқ ОКТ дан фойдаланиш асоратлар хавфини оптималлаштириш ва камайтиришга имкон беради; оғир неврологик асоратларнинг ривожланиши ҳеч бир гуруҳда кузатилмаган ($p > 0.05$); ТИХ кириши фақат II гуруҳдаги 1 нафар (4,2%) беморда аниқланган; кичик нохуш ҳодисаларнинг аксарияти кўпинча кун давомида дори-дармонлар билан қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган 12,0% ҳолатларда гиподинамик аҳамиятга эга гипотония кузатилган; катта ва кичик инсульт, ЎИМ кўринишидаги нохуш вазиятлар ва ўлим ҳолатлари кузатилмаган (3-жадвал).

Диссертациянинг «ЮИК нинг уйқу артерияларнинг бирга қўшилган шикастланишлари билан касалланган беморларни даволаш диагностикаси ва тактикаси алгоритми ва узоқ муддатли натижалари» деб номланган тўртинчи боби ЮИК нинг уйқу артерияларнинг бирга қўшилган шикастланишлари билан касалланган беморларда қўлланилган турли баҳолаш кўрсаткичлари асосидаги даволаш тактикаси натижалари таҳлилига бағишланган.

3-жадвал

РЭВ эрта ривожланган даврда нохуш ҳодисалар таҳлили

Нохуш ҳодисалар	I гуруҳ				II гуруҳ, n=24		III гуруҳ, n=16	
	А (n=21)		Б (n=14)		абс	%	абс	%
	абс	%	абс	%				
ТИХ	0	0	0	0	1	4,2	0	0
Кириш жойларигематомаси	0	0	2	14,3	1	4,2	1	0
Гемодинамик беқарор АБ	0	0	3	21,4*	4	16,7	2	12,5

Изоҳ: * - IA гуруҳлар маълумотлари бўйича фарқлар катта аҳамиятга эга (* - $P < 0,05$).

Шундай қилиб, УАС орқали I гуруҳда 6 ойдан сўнг уйқу артериясини реваскуляризация қилиш сезиларли даражада яхшиланди – ички уйқу артерияларининг тикланиши (ИУА) стеноз даражаси 20% дан кўп бўлмаган ҳолларда стент ичи қайта торайиши ҳеч қандай белгиларсиз 100% ҳолатларда аниқланган. Шунингдек, реваскуляризация қилинган КА беморлар 6 ойдан сўнг кузатилганда, ЭКГ, ЭхоКГ маълумотларида тўлиқ клиник яхшиланиш мустаҳкамланганлиги аниқланган. II гуруҳда (n=24), олти ойлик кузатувлар қайта торайиш белгилари мавжуд эмаслиги, шунингдек УА – уйқу артерияларида тўлиқ ўтказувчанлик мавжудлигини аниқлади. УТДГ текширувларида уйқу артериясида стенознинг қайталаниш ҳолати аниқланмаган. III гуруҳда (n=16), 6 ойдан кейинги текширув натижалари ФК бўйича қўшимча ёмонлашиш ҳолатлари аниқланмади. Ушбу гуруҳдаги барча беморлар ўртача жисмоний юкламадаги ишларни бажариш орқали меҳнат фаолиятларига қайтиш билан ўзларининг меҳнат қобилиятларини тўлиқ тикладилар. Шундай қилиб, барча гуруҳларда яқин олти ой муддатда даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш асоратларсиз ижобий динамикани – ўзгаришларни кўрсатди.

12 ойдан кейинги текширув натижалари баъзи асоратларни, шу жумладан МАСЕ (Major Adverse Cardiac Events) бўйича йирик салбий оқибатлар – кардиал ўлим, фатал бўлмаган юрак ишемияси, миокарднинг такрорий реваскуляризацияси аниқланди (4-жадвал).

Биринчи гуруҳда (n=35), 12 ойдан кейинги узоқ муддатда стенокардиянинг қайталаниши; стент ичи торайиши; стент тромбози каби бир қатор нохуш ҳодисаларнинг ривожланиши кузатилган. Ia гуруҳда (n=21), 1 нафар (4,7%) беморда стенокардиянинг қайталаниши кузатилган, назорат коронагрофиясида стеноз *de nova* аниқланиб, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаган <70% стеноз сифатида баҳоланган. Ib гуруҳда (n=16), стенокардиянинг қайталаниши; стент ичи торайиши; стент тромбози каби кўплаб нохуш ҳодисалар кузатилган. 1 нафар (6,2%) беморда аввал ўрнатилган, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаган деб баҳоланган коронар стентда, қайта стент ичи торайиши аниқланган, икки ҳолатда (12,5%) ўКС ривожланган, бунда аввал ўрнатилган стентларнинг тромбози аниқланган. Қолган беморларда стабиллашган клиник ва ЭКГ ҳолати олти ойлик кузатув давридаги каби ўшандай даражада сақланиб қолган. УА томонидан реваскуляризация худудида ўзгаришлар кузатилмаган. II гуруҳда (n=24), узоқ муддатли тадқиқотлар веналарни шунтлаш стенози (нокулай ҳолатларда КА қайта торайиши сифатида белгиланади) 2 нафар (8,3%) беморда аниқланган, бунда 1 ҳолатда шунт тромбланган бўлган. III гуруҳда (n=16), шунингдек УА стенози каби нохуш оқибатлар 1 нафар (6,2%) беморда ва КА да стеноз даражасининг кучайиши билан атеросклеротик жараённинг ривожланиши ва 2 (12,5%) ҳолатда стенокардиянинг қайталаниши аниқланган. Шундай қилиб, узоқ муддатли даволаниш самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 12 ойдан сўнг қўшимча ОКТ визуализация усулидан фойдаланган ҳолда ТОКА ўтказилган Ia гуруҳда (n=21) яхши натижалар аниқланган – МАСЕ бўйича оқибатлар мавжуд эмас

эди, КА рестеноз кўрнишидаги аввал бажарилган ТОКА билан боғлиқ бўлмаган нохуш оқибатлар 4,7% ни ташкил қилган (5-жадвал).

4-жадвал

Узоқ муддатли клиник натижалар, бир йилдан сўнг, фоизларда (%)

Клиник ҳодисалар	I гуруҳ				II гуруҳ n=24		III гуруҳ n=16	
	a (n=21)		б (n=14)		abc	%	abc	%
	abc	%	abc	%				
Стенокардиянинг қайталаниши	1	4,7	2	12,5	2	8,3	1	6,2
КА рестенози	0	0	1	6,2	0	0	0	0
УА рестенози	0	0	0	0	0	0	1	6,2
Стент тромбози (ёки шунт)	0	0	2	12,5	2	8,3	0	0
Кардиал бўлмаганасоратлар	0	0	0	0	1	4,2	0	0
MACE	1	4,7	3	18,7	3	12,5	2	12,5

II (n=24) ва III (n=16) гуруҳлардаги узоқ муддатли натижалар таҳлилияхши натижалар кўрсатди: учинчи гуруҳда MACE бўйича нохуш оқибатларнинг мавжуд эмаслиги ва иккинчи гуруҳда MACE бўйича 12,5% паст фоизни ташкил қилиши визуализациянинг қўшимча усулисиз малоинвазив аралашув ўтказилган биринчи гуруҳдаги натижалардан анча паст эканлигини кўрсатди. Аммо ушбу (иккинчи) гуруҳда АКШ операциясидан кейин окклюзия ва веналарни шунтлаш стенози каби бошқа нохуш оқибатларнинг юқори фоизи аниқланган. Шундай қилиб, таъкидлаб ўтиш мумкинки, оператив аралашувлардан кейин ижобий натижаларнинг энг юқори натижаси ОКТ визуализациясининг қўшимча усули билан малоинвазив ёндашилган гуруҳда аниқланган. ОКТ усулисиз малоинвазив аралашувлар мавжуд бўлган беморлар гуруҳидаги (Iб гуруҳ) натижалар Ia гуруҳ билан таққослаганда ва ҳатто азалдан кўплаб қон томирлар шикастланган иккинчи гуруҳ билан таққослаганда ёмонроқ эди, бу эса кўпроқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Узоқ даврлардаги MACE кўрсаткичларини таҳлил қилиш


Кўрсаткич		I гуруҳ				II гуруҳ, n=24		III гуруҳ, n=16	
		A(n=21)		B (n=14)		abc	%	Abc	%
		abc	%	Abc	%				
MACE	12 ой	1	4,7	3	18,7	3	12,5	2	12,5
Усул самараси	MACE	95,3%		81,3%		87,5%		87,5%	
	Барча салбий оқибатлар бўйича	100%		64,3%		75,0%		81,2%	

Иккинчи гуруҳ бир йилдан кейин олти ойлик натижалар билан таққослаганда жуда ёмон натижаларни кўрсатди: барча салбий натижалар 20,8%, улардан 12,5% MACE кўрсаткичлари. Бундай натижаларга нафақат

оператив аралашувлар, балки аввалдан жуда ёмон бўлган кардиал ҳолат – юракнинг ёмон ҳолати ҳам сабаб бўлган.

Сўнги йилларда томирлар атеросклеротик шикастланишини даволашнинг малоинвазив усуллари тобора оммалашиб бормоқда, аввал улардан фойдаланиш кўплаб кўрсаткичлар билан чекланган эди. ЮИК уйқу артериялари шикастланиши билан касалланган беморларни рентгенэндоваскуляр жарроҳлик усули билан ОКТ визуализациясидан қўшимча фойдаланган ҳолда даволаш ва клиник жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш орқали узоқ муддатли натижаларни таҳлил қилар эканмиз, биз шуни исботлашга эришдикки, юрак ишемик касаллигининг уйқу артериясининг қўшилган шикастланишлари билан касалланган беморлар ОКТ визуализациясининг қўшимча усули билан малоинвазив аралашувда нафақат бифуркацион мураккаб ТОКА ва тож қон томирларнинг сурункали окклюзия, балки мураккаб бўлмаган ҳолатларда ҳам томирларни энг кам асоратлар билан стентлаш самарадорлиги, стентларни рестенозлашнинг энг кичик кўрсаткичлари, шунингдек МАСЕ бўйича салбий оқибатларни баҳолаш, айнан такрорий реваскуляризациялар сони бўйича, фатал бўлмаган миокард инфарктлар ривожланиш кўрсаткичлари, мия қон айланиш тизимининг ўткир бузилишлар сони, икки йил давомида, ҳатто қариялар ва кекса ёшдагилар орасидаги ўлим ҳолатлари сони бўйича ҳам энг яхши прогнозларга эга. Асоратлар ва салбий оқибатларнинг юқори даражада жарроҳлик хавфи ривожланиши билан оператив аралашувларга тегишли бўлган беморлар гуруҳи билан АКШ ўтказилганда МАСЕ ва “асосий юрак-қон томир ҳодисалари”нинг тез-тез такрорланиш натижалари асосида таққосланадиган ОКТ визуализациясининг қўшимча усулисиз ТОКА да салбий прогнозлар диққатни ўзига тортади. Бундан ташқари, биз томонимиздан ишлаб чиқилган юрак томирлари ва атеросклеротик хусусиятга эга уйқу артериялари шикастланиш хавфи фарқли бўлган ва турли босқичдаги беморларни даволаш алгоритми турлича ёндашув ва жарроҳлик аралашувларининг аъло даражадаги усулларида даволанишдан кейинги узоқ муддат давомида юқори даражали клиник самарадорлик ва деярли бир-бирига ўхшаш бир хил иқтисодий харажатларни қиёсловчи натижаларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, олиб борган тадқиқотларимиз асосида юрак томирлар шикастланишининг уйқу артериялари шикастланиши билан бирга қўшилган бир нечта вариантларини кўриб чиқиб, даволашнинг эндоваскуляр усули, шунингдек тана ичи даволаш усуллари таҳлил қилиб ва консерватив даволаш усуллари инкор қилмаган ҳолда, биз томонимиздан диагностика ва даволаш чора-тадбирларининг зарурий тўплами бўлган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди.



3-расм. Коронар ва Каротид артериялар мультифокал атеросклеротик шикастланиши билан беморларни даволаш тактикаси алгоритми

Юқори хавф – уйқу артерияларининг билатерал жиддий шикастланиши, бир томонлама окклюзия, 6 ой мобайнида мия қон

ХУЛОСА

1. Коронар ва каротид – уйқу томир артериялар мультифокал атеросклерози билан хасталанган беморларни эндоваскуляр оптик-когерент томография текшируви комплексига киритиш на фақат қон томирлар деворидаги ўзгаришлар хусусиятини текшириш имконини беради, балки артериал оқимдаги устун бўлган шикастланишни аниқлаш учун регионар гемодинамикадаги бузилишлар даражасидаги баҳолашни ҳам амалга оширади.

2. Оптик-когерент томографиядан фойдаланиш на фақат коронар ва уйқу артерияларининг қўшилган атеросклеротик шикастланиши оғир кечиши диагностикаси сифатини яхшилайти, балки эндоваскуляр операцияларнинг тактик жиҳатларини мукамаллаштиришга имкон беради, айниқса мураккаб жарроҳлик аралашувларида (бифуркацион, чап тож қон томир узаги жароҳатлари, тож қон томирларнинг сурункали окклюзия) уларнинг самарадорлигини баҳолаш учун интраоперацион прогнозлаштириш ўтказилди, бу эса умуман олганда яқин ва узоқ муддатли яхши натижалар сонини 87,5% дан 95,3% гача кўпайтиришни таъминлайди.

3. ТОКА - коронар ангиопластика ва УАС – уйқу артериясини стентлаш дифференциацияланган тактиканинг қўлланилиши яқин даврда операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайитириш имконини беради, 91,5% ҳолатларда узоқ муддатларда яхши ва қониқарли натижаларга эришиш частотасини яхшилайти. Бунда энг яхши натижалар (95,3%) жарроҳлик аралашуви ОКТ қўлланилиши билан амалга оширилган беморлардан олинган.

4. Коронар ва каротид – уйқу томир артериясининг қўшилган шикастланишлари билан хасталанган беморларни даволашда рентгенэндоваскуляр аралашувтурини танлашни оптималлаштириш ҳисобига ва операциялар натижасини прогнозлаштириш эҳтимоли билан оптик-когерент томографияни қўллаш орқали даволаш тактикасининг ишлаб чиқилган алгоритми салбий кардиоваскуляр ҳодисалар (МАСЕ) ривожланиш эҳтимолини сезиларли даражада камайитирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

МАХКАМОВ НАЖМИДДИН КОЗИМОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ТАКТИКИ
РЕНТГЕНЭНДОВАСКУЛЯРНОГО ЛЕЧЕНИЯ ИШЕМИЧЕСКОЙ
БОЛЕЗНИ СЕРДЦА С ПОРАЖЕНИЕМ КАРОТИДНЫХ АРТЕРИЙ**

14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PhD/Tib588.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Зуфаров Миржамол Мирумарович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алиев Шерзод Махмудович доктор медицинских наук Юлдашев Набижон Примович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт кардиологии и внутренних болезней, г. Алматы, Республика Казахстан.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №96). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2019 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «основной причиной преждевременной смертности жителей нашей планеты являются заболевания сердечно-сосудистой системы, которые составляют 31% от всех случаев летальности в год, а в 2018 году от этой патологии в мире умерло 17,7 млн. человек, из них 7,4 млн. от ишемической болезни сердца (ИБС) и 6,7 млн. от инсульта»¹. Мультифокальный атеросклероз (МФА) являясь системным заболеванием может поражать любой участок сосудистого бассейна. При ИБС частота сочетанных поражений различных артериальных бассейнов может достигать 70-80%, при этом больше всего наблюдается сочетание поражения коронарных и сонных артерий. В последние годы, благодаря широкому внедрению современных методов диагностики, стало возможным совершенствование тактики и методов лечения больных с ИБС в сочетании с поражениями экстракраниальных сосудов. На этом фоне одним из перспективных направлений повышения качества обследования является оптическая когерентная томография (ОКТ), позволяющая оптимизировать выбор метода рентгенэндоваскулярных (РЭВ) вмешательств и оценить их эффективность»². Однако, изучение эффективности данного метода у больных с сочетанными поражениями коронарных и каротидных артерий в настоящий период остается актуальной задачей, как в диагностическом аспекте, так и в плане определения оптимальной тактики лечения.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, направленных на изучение патогенеза мультифокального атеросклеротического поражения с верификацией механизмов его развития в различных артериальных бассейнах и изучением факторов риска и их значимости при поражении определенного сосудистого русла. Актуальными остаются вопросы морфологической оценки особенностей поражения стенок сосудов, влияние на эти процессы различных биологических субстратов, в частности цитокинов, которые вызывают экспрессию молекул адгезии, и хемоаттрактантов, усиливающих захват и миграцию моноцитов в сосудистую стенку, которые превращаются в макрофаги и продуцируют ИЛ-1, ФНО, ТцФР, а также воздействие факторов роста с привлечением других клеточных элементов (Т- и В-лимфоцитов, фибробластов) с последующим формированием некроза центральных отделов капилляров, их склерозом, гиалинозом и обызвествлением.

На современном этапе развития здравоохранения проводится множество мер по коренному улучшению качества оказываемой населению медицинской помощи. В результате проведенных мероприятий достигнуты положительные

¹ World Health Organization. Technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2016 Edition. https://www.who.int/cardiovascular_diseases/publications/en.

² Alegria-Barrero E., Foin N., Chan P. H. et al. Optical coherence tomography for guidance of distal cell recrossing in bifurcation stenting: choosing the right cell matters // EuroIntervention. – 2012. - №8. – P. 205–13.

результаты в оказании качественной высокотехнологичной помощи больным с сочетанным поражением коронарного и каротидного сосудистого бассейна. Несмотря на проводимые целевые меры в системе здравоохранения на сегодняшний день требуется продолжение исследований особенностей мультифокального атеросклеротического поражения сосудов сердца и головного мозга. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности³. Реализация данных задач, в том числе, изучение особенностей клинического течения мультифокальных атеросклеротических поражений коронарного и каротидного бассейнов, а также совершенствование подходов к диагностике и выбору тактики лечения является одним из актуальных направлений.

